Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 15 январь пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 10 (1791)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А. Э. Шайховни Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Эркинович Шайхов Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А. Э. Шайховни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Эркинович Шайхов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А. Жалиловга Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Абдулаҳат Туропович Жалиловга Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Н. Ёқубовга Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Носиржон Норович Ёқубовга Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ — ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

ТАНЛОВ

### БИРИНЧИ МУКОФОТ — ЮЗ МИНГ

*— Фарғона вилоят ҳокимлиги Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди театрлаштирилган, мусиқавий композициялар ифода этилган асарлар бўйича кўрик-танлов ўтказишни эълон қилди, — деб хабар берди ўз мухбиримиз. — Унда бадиий ҳаваскорлик жамоаларидан ташқари ташкилот ва муассасаларнинг халқ театрлари, труппалари ҳам иштирок этиши мумкин. Композициялар, рақс кўринишлари, ижро маҳорати ва саҳна либосларига алоҳида эътибор берилади.*

*Кўрик-танлов икки босқичда, биринчи босқич шаҳар ва туманлар, иккинчи босқич эса вилоят миқёсида ўтказилади. Танловда ғолиб чиққан жамоани юз минг сўм, иккинчи ўринни эгаллаган труппани 70 минг сўм, учинчи ўринга сазовор бўлганларни эса 50 минг сўмлик мукофот кутмоқда.*

ХУШ ХАБАР

### БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

*Жиззахлик мухбиримиз Ҳайитбой Набираевнинг хабар қилишича, Жиззах шаҳридаги «Зилола» ҳиссадорлик трикотаж бирлашмаси жамоаси ўтган йилни уч миллион сўмлик фойда билан якунлаганди. Трикотажчилар учун янги йил ҳам омадли келадиганга ўхшайди. Чунки йилига 50 тонна сунъий тола ишлаб чиқарадиган акрил цехи хомашёни узоқ Саратовдан эмас, балки «Навоийазот» корхонасидан олаётгани эвазига умумий харажатлар уч баравар камайди. Бундан ташқари, корхона қошида бир йилда уч минг тонна ип-калава тайёрлайдиган «Ўзбек-Олмония» қўшма корхонасини очишга киришилди.*

*Шунингдек, январь ойи охиригача россияликлар кўмагида сунъий чарм ишлаб чиқарувчи корхона ҳам ишга тушади.*

ЖАВОБ

### КОМПЬЮТЕРЛАР ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШЛАЯПТИ

*«Халқ сўзи»нинг 1997 йил 26 ноябрь сонида чоп этилган «Сурхоннинг «қайсар» компьютерлари» мақоласида банк муассасаларида ўрнатилган барча компьютерлардан керакли маълумотлар фақат рус тилида олиниши ёзилган эди. Аммо эътирозли фикрлар умумий тарзда билдирилган бўлиб, маълум бир банк муассасасига тегишли аниқ бир мисол келтирилмаганди. Шунга қарамасдан, мақола Сурхондарё вилоят ИАТ Пахтабанки ва унинг Музрабод туман бўлими, вилоят Тадбиркорбанки, вилоят ТИФ Миллий банки бўлимлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ва ушбу банкларда ўрнатилган барча компьютерларда зарур маълумотларнинг давлат тилида тайёрланиши ҳақида тегишли топшириқлар берилди. Музрабод туманидаги қолган банк бўлимларида ҳам иш юритиш ўзбек тилида олиб борилмоқда. Вилоят марказий банки бош бошқармасида жўнатилаётган хат ва ёзишмаларнинг ҳам давлат тилида бўлиши таъминланган.*

**Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ».**

*ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!*

### РАҲБАРЛАРНИНГ ФУРСАТИ ЕТАРМИКАН?

*— Бундан олти йил бурун Деҳқонобод туман маркази билан Хўжамаҳмуд қишлоғи орасидаги ўн тўрт километрлик йўл асфальтланганда одамлар «ана энди автобус қатнаб, узоғимиз яқин бўлади» деб суюнишган эди, — деб ёзади деҳқонободлик жамоатчи мухбиримиз Парда Ҳакимов. — Афсуски, хўжамаҳмудликларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Қишлоқ аҳлининг кўп йиллик орзуси яна саробга айланиб қолаверди. Идорама-идора елиб югуришлардан сўнг ҳам қишлоқдошлар йўл азобидан қутилмадилар. Улар ҳамон туман марказига яёв қатнашаяпти.*

*Билмадик, туманнинг мутасадди раҳбарлари «Хўжамаҳмуд — Деҳқонобод» йўналиши бўйича автобус қатновини йўлга қўйиш тўғрисида қачон ўйлаб кўришаркин?*

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

### ҲАЁТХОННИНГ ҒАЛАТИ ҲАЁТИ

*Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлимининг хабар қилишича, Самарқанд вилоятидаги 7-сонли Улуғбек божхона маскани билан транспорт милицияси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда Самарқанд темир йўл шоҳбекатида поезддан тушиб ташқарига чиқаётган йўловчилар юклари божхона кўригидан ўтказилганда 14- вагонда кетаётган Тожикистон фуқароси — 47 ёшли Ҳаётхон Тоҳированинг сумкасида целлофан халтага ўралган 3 килою 100 грамм кўкнори гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди.*

*Мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

**Соат милларини И. НУСРАТ кузатди.**



*Яхши кайфиятнинг туғилиши нималарга боғлиқ? Мана бу суратдаги қизнинг очиқ чеҳрасига боқиб, кўнглингизда шундай ўй кечиши, табиий.*

*Бу саволга «Малика» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг илғор тикувчиларидан бири Э. Миннибоева қисқагина жавоб беради: «Меҳнат самарасига!». Савол эса саволни етаклаб келаверади: меҳнат самарасига қандай эришиш мумкин?*

*Қачонки ўз касбингни севсанг! Қачонки сен ишлаётган корхонада соғлом ва ишчан муҳит устувор бўлса! Қачонки устозларинг ўз ўгитларини миннат этмаса!*

*Бу Миннибоеванинг гаплари. Зеро, бу уч унсур ҳар қандай муваффақиятнинг ўқ илдизидир. Фотомухбиримиз Тўлқин Каримовнинг ён дафтарчасига битилган бу битиклар бозор иқтисодиёти даврида меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёт мазмунига айланса, нур устига аъло нур бўларди.*

## УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Халқимизнинг энг қадимий ва саховатли байрами — Наврўз яқинлашиб келмоқда. Миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашни ўзида тараннум этувчи бу умумхалқ байрами мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланади.**

Вазирлар Маҳкамасида ана шу умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрами асосий томошасининг сценарий режаси ҳамда саҳнани безаш ишларига тайёргарликнинг бориши ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва томоша бош режиссёри Р. Ҳамидовнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг еттинчи йили баҳорида нишонланадиган бу галги байрам алоҳида кўтаринкилик руҳида ўтади. Байрам томошалари мучал билан боғлиқ мусиқий-театрлаштирилган саҳна билан бошланади. Дастурда бу йил юбилейлари нишонланадиган Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган лавҳалар ўз ифодасини топади.

Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов Наврўзни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссиялар раиси А. Азизхўжаев бошқарди.**

Мажлисда таъкидландики, ҳар бир халқнинг маданий, маърифий даражаси ўз она тилига бўлган ҳурмати билан ўлчанади. Зеро, тил миллат кўзгусидир. Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида қонун қабул қилинишида ҳам ана шу ҳақиқат ўз ифодасини топган. Қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида мамлакатимизда талайгина ишлар амалга оширилди. Тилимизнинг нуфузи ортди. Лекин сўнгги вақтда қонунни амалга оширишга эътибор баъзи жойларда бир мунча пасайиб қолгани ҳам сир эмас.

Бунга сабаб, айрим идора ва ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, вилоятлар раҳбарларининг бу ишга етарли масъулият билан ёндашмаётганлигидир. Ҳолбуки, бу иш учун бутун жавобгарлик шахсан ана шу раҳбарлар зиммасига юклатилган.

Мажлисда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг аввалги мажлислари қарорларининг ижроси танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Комиссия котиби Ш.Ризаев мазкур қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижросининг аҳволи хусусида ахборот берди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорининг Тошкент шаҳрида бажарилиши, республика энергетика ва электрлаштириш вазирининг ўринбосари Т. Аҳмедов вазирлик тизимида давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзладилар.

Комиссиянинг муқаддам қабул қилинган қарорларини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бажарилиши жойларда атрофлича муҳокама этилгани ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар белгилангани қайд этилди. Ҳозирги кунда бу соҳада мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Бироқ бу борадаги ишлар юзасидан назоратни янада кучайтириш лозим.

Жой номларини тартибга солиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги барча туманларда топономик комиссиялар ташкил этган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан пойтахтда 300 га яқин кўча ва тор кўчалар номи ўзгартирилди. Бир қанча майдонлар, хиёбонлар, кинотеатр ва мактаблар янгича номланди. Айни вақтда айрим туман ҳокимликлари топономик комиссиялари объектларга янги ном беришда уларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганмаяпти. Айрим жойларда эски номлар ёзилган лавҳалар ҳамон сақланиб турибди.

Идора ва ташкилотларда, корхона ва муассасаларда ишни давлат тилида юритишни йўлга қўйиш қонунни бажаришнинг асосий шартидир. Шу маънода Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги марказий аппарати ва унинг вилоятлардаги корхоналари асосан давлат тилида иш олиб бормоқда. Вазирлик тизимида давлат тилини ҳаётга татбиқ этиш борасида анча ибратли ишлар қилинган. Шу билан бирга, вазирлик ҳайъат мажлислари баёнлари, бошқа ташкилотларга юборилаётган хатлар ҳар доим ҳам давлат тилида ёзилмаяпти. Бу камчилик, айниқса, "Ўзэнергоназорат", Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхоналарига тегишлидир. Вазирлик тизимида давлат тилини ўргатишга эътиборни янада кучайтирмоқ зарур.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Комиссиянинг жорий йилнинг биринчи ярмида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича иш режаси тасдиқланди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

**(ЎзА)**

***• БИЗГА ЯНГИ ОДАМЛАР КЕРАК***

## МУЛКДОР НЕГА МУЛКИДАН АЙРИЛДИ?

**Ёки айрим раҳбарларнинг ноқонуний қарорлар қабул қилиши, ишбилармонларга қайишмаслиги оқибатида уларнинг хайрли ҳаракатлари юзага чиқмаётгани хусусида**

Адолат эгилади, аммо синмайди — бу асрлар силсиласида ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Инчунун, ушбу тушунчанинг пайдо бўлиши узоқ тарих билан боғлиқ. Буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг ўз фарзандларига қолдирган васият ва тузукларини бир эсланг. Уларда «Адолат — дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин», дея алоҳида таъкидланади. Мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциясида эса «Ҳар бир шахс... адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир» деган сўзлар зарҳал ҳарфлар ила битиб қўйилган. Бироқ айрим раҳбарлар, ҳатто қонун ҳимоячилари ҳам ҳақиқатдан кўз юмиб, мавжуд қонун ва қонун ости ҳужжатларини менсимасдан, баъзида одамлар тақдирини енгил-елпи ҳал қилиб юбораётгани каби нохуш ҳолларга дуч келаяпмиз. Бу билан улар билиб-билмаган ҳолда ўзлари ишлайдиган нуфузли идораларнинг обрў-эътиборига ҳам бироз бўлса-да, путур етказмоқдаларки, бу ғоят ачинарлидир.

**Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа замирида ана шу икки жиҳат мужассам. Аввало, мулкдор адолатни тиклайман деб, қарийб уч йил ноҳақлик азобини чекди. Иккинчидан, хусусийлаштирилган мулкнинг ноқонуний тарзда «Кимошди» савдосига қўйилиши туфайли ундан келадиган қанчадан-қанча даромад ҳам бой берилиши айрим раҳбарлари ташвишига солмаганини кўргач, улар ўринашиб олган ташкилотларга нисбатан ишончи сусайди.**

Айни шу нарса бизни қалам олишимизга туртки берди.

### ЭГАСИ НОМАЪЛУМ ЖАРИМА

1995 йил 20 апрель куни Пахтаобод тумани умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Унда шу жамият тасарруфидаги «Мураббий» чойхонасини хусусийлаштириш ва уни фуқаро Расулжон Раимовга сотиш масаласи кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Расулжон Раимов ким? У — бутун ҳаётини шу соҳага бағишлаган, тармоқнинг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган тадбиркор инсон. «Мураббий» чойхонаси ана шу куйди-пишди, элнинг оғир-енгилига ҳамиша камарбаста одамнинг қўлига текканидан нафақат ҳиссадорлар, балки қишлоқ аҳли ҳам мамнун бўлди. Негаки, замонавий ва миллий услубда қурилган бу бинода чойхонадан ташқари бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бор. Чойхона эса, биласиз, маънавий-маданий марказ, тарбия ўчоғи ҳисобланади. Бундай табаррук жойни ҳар кимга икки қўллаб топшириб, бунинг устига, хусусий мулк қилиб бериб бўлмайди-да.

### РАСУЛЖОН РАИМОВ СЎЗИДАН:

***«Чойхонани сотиб олгач, бола-чақаларим, қариндош-уруғларимни қанотимга олиб, уни янада обод, файзли қилишга киришдим. Бинонинг кемтикларини ростлаб, янги жиҳозлар сотиб олдим. Бинойидек, одамлар ҳавас этгудек бир маскан бўлди, денг. Туппа-тузук даромад ҳам тушиб турувди. Бироқ...»***

***Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, туман матлубот кооперацияси ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси М. Комиловнинг 1996 йил 22 апрелдаги 22-қарорига биноан, аввалги олди-сотди шартномалари бекор қилиниб, «Мураббий» чойхонаси «Кимошди» савдоси орқали сотишга тақдим этилди.***

(Давоми 2-бетда)

● БУ ҲАҚДА СЕССИЯДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ



# ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ



## ЕРГА ЭГАЛИК МУЛККА ЭГАЛИКДИР

***Ерга эгалик қилиш масаласида, шу жумладан, ерни хусусий мулк қилиб беришда жаҳон тажрибасидан ўрганишимиз ўринлидир.***

Маълумки, республикамиз иқтисодиётида аграр иқтисодиёт устуворлик қилади. Буни мамлакатимиздаги меҳнатга яроқли аҳолининг 50 фоиздан ошиқроғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бандлиги, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган миллий даромаднинг 40 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келаётганлиги, экспорт салоҳиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши 49-50 фоизни ташкил этаётганлигидан янада яхшироқ англаш мумкин. Сир эмаски, ривожланган мамлакатларнинг деярли кўпчилигида ерларнинг 80-90 фоизи хусусий қўлларда эканлиги боис тармоқда инқилобий ўзгаришлар қилинишига эришилмоқда.

Бизда суғориладиган ерлар аҳоли зич жойлашган минтақаларда жон бошига 0,07 гектардан, жанубий вилоятларда 0,17-0,19 гектардан тўғри келади. Шу туфайли ер танқислиги ҳамда давлат мулки эканлиги эътиборга олиниб, уни 10 йилдан 50 йилгача ижарага бериш қонун билан мустаҳкамланган. Аграр иқтисодиётни бозор андозаларига ўтказиш бўйича бир-биридан мукаммал қарорлар қабул қилинган.

Айни вақтда биз иқтисодий ислоҳотнинг учинчи босқичи пиллапоясидамиз. Лекин тармоқдаги ўзгаришлар талаб даражасида эмаслиги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда, Олий Мажлиснинг Х сессиясида республикамиз Президенти томонидан кескин танқид қилинди.

1995 йилда республикамиз бўйича 500 дан ортиқ қишлоқ хўжалик корхонаси йилни зарар билан якунлаган бўлса, 1996 йилда уларнинг сони 800 тадан ошиб кетди.

1993-96 йилларда республикамизда 700 га яқин давлат хўжалиги, 600 га яқин чорвачилик фермаси мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилди. Лекин қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқарувчи куч — деҳқоннинг ерга, сувга ва хўжаликнинг бошқа асосий воситаларига бўлган муносабати ўзгармаяпти. Ички иқтисодий механизмда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти. Хўжалик юритишнинг эски андозаларидан қутула олмаяпмиз.

Шу сабабли вазият қишлоқ хўжалиги корхоналари, айни пайтда фаолият кўрсатаётган жамоа ширкат хўжаликлари ва шу турдаги уюшмаларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун бошқа йўлларни синаб кўришни тақозо этмоқда.

Нишон тумани ҳокими муовини Абдуазиз Азимов ва иқтисодчи Норбой Қаххоровнинг ёзишича, Қашқадарё вилояти ва Нишон тумани ҳокимликларининг ташаббуси билан мазкур тумандаги Ҳамза номли жамоа ширкат хўжалиги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган. Чунки, деб ёзади муаллифлар, — хўжалик 1996 йилни зарар билан якунлаган, энди унинг жамоа ширкат хўжалиги сифатида ўз фаолиятини давом эттириш имкони йўқ эди. Унинг таркибида 28 та деҳқон- фермер хўжалиги ташкил топди. Хўжаликдаги механизация ширкати хўжалик ҳисобидаги сервис хизмати корхонасига айлантирилди. Чорвачилик фермасига эса ҳар шартли бош мол учун 0,45 гектар суғориладиган ер 10 йил муддатга ижарага берилди ва хўжалик ҳисобида ишлайдиган жамоага айлантирилди.

Хўжаликдаги бошқарув аппарати сони 21 кишидан 7 кишига ёки 33 фоизга қисқарди.

Хўжаликнинг деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилиши арафасида мавжуд бўлган 60 млн. сўм қарзи ҳисоб-китоб қилиниб, олдин мавжуд бўлган ва юритилиб келинаётган ҳисоб варақасига асосан қарз кимга тааллуқли бўлса, ўшанинг ҳисобига ўтказилди ва у билан шу асосда ҳисоблашув далолатномаси тузилди. Энди деҳқон-фермер хўжалиги хўжалик билан ишонч қоғози орқали ҳисоб-китоб юритади. Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмага ўз даромадларидан олти фоизлик ажратма ажратади. Ер ва ижарага олинган асосий ишлаб чиқариш воситалари учун ижара ҳақи тўлайди. Сир эмас, ҳаммани унинг натижаси қизиқтиради. Маълумотларни таҳлил эта бориб шундай тўхтамга келиш мумкин... Ўтган йил август, сентябрь ойларида ёқилғи сарфига нисбатан фермер хўжаликлари уюшмасига ўтганидан сўнгги даврни қиёсланг. Бу кўрсатгич август, сентябрь ойларида 50-55 фоизга, бошқа сарфлар 25-30, транспорт хизмати сарфи 12-15 фоизга қисқарганлигининг ўзи юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Мазкур деҳқон-фермер хўжалиги раҳбарлари ўз участкасининг ҳам ҳосилоти, ҳам мироби, ҳам механиги вазифасини бажаради. У ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар шахсдир. Шунингдек, мазкур деҳқон-фермер хўжалиги аъзоларининг ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатининг тубдан ижобий томонга ўзгарганлигини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди.

Собиқ Ҳамза номли жамоа ширкат хўжалиги кейинги икки йилда давлатга пахта хомашёсини сотиш режасини бажармасдан келаётган эди. Айни пайтда унинг таркибида ташкил этилган деярли барча деҳқон-фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш режасини уддалаб қўйдилар.

Бу омилкорликнинг сабаби, биринчидан, деҳқон ўз ерига эгаликни қўлга киритди, унда ишлаб чиқарган маҳсулотини эркин тасарруф этишни аниқ тушуниб етди. Иккинчидан эса, маълумоти ва мутахассислигидан қатъий назар, ҳар бир деҳқон-фермер хўжалиги бошлиқлари ернинг ҳосилдорлигини ошириш, унинг структурасини яхшилаш ва ижарага олинган асосий воситалардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига кўпроқ фойда олиш йўлини ахтармоқдалар.

Бир қарашда бошқарилиши осонгина бўлган яхлит хўжаликни майда хўжалик юритувчи субъектларга айлантириб, уларда раҳбарлар сонининг ошиб кетишига ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг кўпайишига йўл қўйилгандек туюлади. Аммо мазкур хўжаликда ташкил этилган 28 та деҳқон-фермер хўжалигининг раисларидан биронтасига ҳам ўзи хўжалик раиси бўлганлиги учун иш ҳақи тайинлаган эмас. Бу хўжаликларда ҳар бир киши бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат ҳиссасига қараб ҳақ олади. Шунинг учун фермерлар кўпайтирилса, қуйи бўғинда раҳбарлар сони кўпайиб, уларни бошқариш мураккаблашади, деган фикр ноўрин деб ҳисоблаймиз. Чунки кечаги ижарачи деҳқон-фермер бўлиб, ўз ерига эгалик қилса, у бирданига буйруқбоз раҳбарга айланиб қолмайди. Аксинча, у ўз хўжалигининг қўл-оёғи бўш, эркин ҳаракат қилувчи ташкилотчиси бўлади.

Биз жамоа ширкат хўжаликлари ўрнида фермерлар уюшмаси ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг ягона йўли дейишдан жуда узоқмиз.

Лекин қишлоқ хўжалигидаги бу тажрибани бир хўжаликда эмас, балки асосий тизими қишлоқ хўжалиги корхоналаридан иборат бўлган бир туманда синаб кўришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



## ОИЛА ПУДРАТИ — ЮРТ ҚУДРАТИ

***Меҳнатни ташкил этиш эса бир неча йил мобайнида ўзини оқлаган оилавий пудрат шаклида амалга оширилиши лозим.***

— Қушмайдон маҳалласида яшовчилар Маликжон аканинг уйма-уй юриб, маҳаллий ўғит тўплаганини, уни ўғил-қизлари билан дала бошига ташиб чиқарганини, қишли-қировли кунларда ажриқ босган майдонларни бегона ўтдан тозалаганини, эртадан кечгача даладан боши чиқмай қолганини ҳаваслaниб эслашади, — деб ёзади мухбиримиз Одилжон Шодмоналиев.

— Инсоннинг қўли гулда, — дейди ястаниб ётган майдондан нигоҳини узолмай кекса деҳқон Мамасоли ота. — Авваллари бу ердан ёлчитиб ҳосил олинганини эслолмайман. Умридан барака топсин, Маликжон қаттиқ меҳнат қилди.

— Ерни сийлаган ҳеч қачон кам бўлганмас, — чўққи соқолини силаганича суҳбатга қўшилди Эгамберди ота. — Кимки ҳалол меҳнат қилибдими, қандини урсин.

Маликжон Солиев Пахтаобод туманидаги Ёқубов номли жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб, бутун оиласи билан деҳқончилик қилаётганига ҳам уч йилдан ошди. У ўзига ажратиб берилган ерни ер қилгунича озмунча тер тўкмади.

— Очиғи, шу ер сизники, дейилганида юрагим орқага тортиб кетганди, — хотирлайди Маликжон. — Баланд-пастликдан иборат майдон деярли ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Ёнимга ўғлимни олиб уни текисладик. Кейин чорваси бор хонадонларга бориб, маҳаллий ўғит тўпладик. Далага ташиб келтирдик. Ерни ўғитга тўйдиргач, пахта экдик.

Солиевлар ишни қўшни бригада аъзоларига ўхшаб ташкил этишмади. Улар барча оила аъзолари билан тонг саҳардан қош қорайгунга қадар далада бўлдилар. Ҳар бир туп экинга меҳрини, қалб кўрини бағишладилар. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини кўрсатди. Қўшни «Омад» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўша йили пахта тайёрлаш режасини зўр-базўр 49 фоизга етказганлари ҳолда Солиевлар 33,4 центнердан ҳосил уйдилар. Ана сизга, оилавий пудрат афзалликлари.

— Ерга ўзинг эга бўлгач, бутун йил давомида унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласан, — дея суҳбатини давом эттиради Маликжон. — Биз ўтган йили 0,5 гектарга пиёз, яна шунча майдонга эртаки экинлар экдик. Етиштирган маҳсулотимизни асосан туман халқ таълими бўлимига, марказий шифохонага ҳамда жамоа хўжалигига етказиб бердик. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, салкам 100 минг сўмлик маҳсулот етиштирибмиз.

Абдупатто Машрабовлар оиласи эса кейинги пайтларда қишлоқда анча тилга тушиб қолди. Нега дерсиз? Оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги, меҳнатдан қочмаслик, ишбилармонлик муваффақиятлар омили бўлмоқда. Абдупатто бошлиқ оилавий деҳқонлар ўтган йили жамоа хўжалиги билан шартнома тузди. Уларга олти гектар ер ажратиб берилди. Абдупатто ёнига умр йўлдоши ва икки нафар ўғлини олиб, ўз тасарруфидаги майдонга буғдой сочди ва олтмиш центнердан ошириб сара дон йиғиштириб олди. Шартномага кўра ҳосилнинг бир қисми хўжаликка сотилди. Режадан ортиғи ўзларига қолди.

—Машрабовчилар дондан ташқари 35 минг 300 сўм даромад ҳам қилдилар, — дейди хўжалик иқтисодчиси А. Сиддиқов. — Бундан ташқари улар буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экинлар ҳам экишди.

Оилавий пудратнинг афзалликларидан яна бири шундаки, деҳқон ўзига ажратиб берилган ерга ўзи тўла хўжайинлик қилади. Ана шу эгалик ҳисси уни аввалгидек қўл учида эмас, аксинча жон куйдириб меҳнат қилишга ундайди, ёнига ишга яроқли фарзандларини, ака-укаларини олиб, гектар самарадорлиги учун курашади.

Беш гектар ерда деҳқончилик қилган Қобилжон Исмоиловга ҳам оиласи билан укасига ёрдам берди. Ҳисоб-китоб ишларини Қобилжоннинг ўзи олиб борди. Ғалвир сувдан кўтарилгач, гектаридан 67 центнердан ҳосил олишгани маълум бўлди. Исмоиловчилар мавсумда 46.000 сўм даромад қилдилар. Улар билан ёнма-ён туриб ишлаган Комилжон Ботиров, Аҳмадали Умматалиев сингари оилавий деҳқонлар ҳам 45-48 минг сўмдан даромад эгаси бўлдилар.

Марҳамат туманидаги Тожибоев номли жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб меҳнат қилаётган, Иброҳимжон ака узоқ йиллар юқори идораларда раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди. Нафақага узатилгач, тирик мавжудотга ҳаёт бағишлаётган ер билан тиллаша бошлади. Хўжаликдан беш гектар ер олди. Дастлабки йили 2,60 гектар ерга буғдой, 1,40 гектар майдонга силос учун маккажўхори парваришлади. Натижа чакки бўлмади. Қўли пул кўрди.

Деҳқончиликда бой тажрибага эга бўлган Иброҳимжон ака оиласи ўтган йили хўжаликка ҳам, оиласига ҳам мўмай даромад келтирувчи экинга эътиборни қаратди. 2 гектар майдондаги «Юна» навли буғдойдан 50 центнердан ҳосил етиштирди. Ер бўшаши билан ўрнига сабзи уруғи сочди. Куз охирлатиб гектаридан 200 центнердан сабзи йиғиштириб олди. Бир гектар маккажўхоридан 450 центнердан силос тайёрланди. 40 сотих ерга картошка экди. Ҳосилдорлик 200 центнердан зиёд бўлди. Йил охирида 147 минг сўм даромад қилдилар.

Иброҳимжон ака бироз бўлса-да қаддини тиклаб олгач, чорвачилик фермаси ташкил этишга киришди. Бирин-кетин мол-қўй сотиб олди. Ҳозир мўъжазгина фермада олти бош сигир, 2 бош новвос ва 12 бош қўй бор. Ўтган йили у 860 килограмм гўшт топширди. 500 килограмм сут ишлаб чиқарди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, оилавий пудрат асосида ишлайдиганлар, энг аввало, ўзларига, қолаверса, меҳнат жамоаларига ҳам катта фойда келтирмоқдалар. Оилавий пудрат мустақил хўжалик юритиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор, синалган усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, меҳнат натижаларидан манфаатдорлик билан характерланмоқда. Ҳозир қайси бир хўжаликда бўлманг, шартнома асосида меҳнат қилаётган оилавий деҳқон хўжаликларига дуч келасиз.

— Самараси қандай бўлаяпти? — сўраймиз улардан.

— Яхши, — кўнгиллари тўлган ҳолда жавоб қилишади деҳқонлар. — Буни кундалик рўзғоримиздан, яхшиланиб бораётган турмушимиздан кўраверинг.

● *БИЗНИНГ МУСОҲАБА*

***Айнан пай ва пайчилик муносабатларининг оила пудратига асосланган меҳнатни ташкил этиш билан уйғунлашуви қишлоқда мулк муаммоларини ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир.***

## АДОЛАТ МЕЗОНИ

### профессор Анорбой Султонов билан мулоқот

**— Мулкчилик ривожининг асосий йўлларидан бири — бу давлат ва жамоа хўжаликларини ҳиссадорлик-пайчилик шаклига ўтказишдир. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси қишлоқда пайчилик муносабатларини ривожлантиришдан иборат. Бунинг афзалликлари нимада?**

— Бозор иқтисодиёти табиатан давлат монополияси билан чиқиша олмайди. Сабаби: у хилма-хил мулкчилик шаклларини талаб этади. Бир эслаб кўринг-а, собиқ иттифоқ даврида ер, сув ва ишлаб чиқариш воситалари давлат ёки жамоа хўжалиги мулки эди. Ўлмаган деҳқоннинг жони. Сабр-тоқатига балли. Ўшанда йил-ўн икки ой даладан чиқмаса-да, аммо қилган меҳнати ўз мулки эканини ҳис этмасди. Парво қилмай, кетмонини ураверарди. Деҳқон амалда мулк эгалигидан четлаштирилган эди. Бугун эса унинг ерга, мулкка, муҳими ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгармоқда. Буни қишлоқ хўжалик корхоналарини мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этишнинг дастлабки самаралари сифатида баҳоламоқ жоиз. Зеро, мулкчиликнинг ушбу шакли хўжаликнинг ҳар бир аъзосига қандай ишласа, шундай яшашига кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, бунда пайчилик шаклидаги хўжаликнинг оддий ишчисидан тортиб, то раҳбаригача умумий мулкдаги ўз улушини аниқ билади. Энди улар шунча ҳосил етиштирдик, қанча даромад оламиз дейишади.

Иккинчидан, деҳқоннинг умумхўжалик мулкидаги улуши мулкий эканлигини билдирибгина қолмасдан, иш ҳақи ва мукофотлардан ташқари қўшимча даромад олиш манбаи ҳамдир.

**— Буни қандай тушуниш мумкин?**

— Биласизми, агар хўжалик ўзининг ҳамма мулки ва имкониятларидан самарали фойдалана олса, унинг йиллик якундаги олган фойдаси ҳам ошиб боради. Унинг бир қисми мулкдорлар ўртасида ҳар кимнинг улушига қараб адолатли тақсимланади. Демак, улуш эгалари йил охирида қўшимча даромад олади. Лўнда қилиб айтганда, деҳқон мулкдан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан моддий манфаат топади. Буни биргина Касби туманидаги Шароф Рашидов номидаги хўжалик мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик пайчиликка ўтгандан кейин қарийб барча экин турлари бўйича ҳосилдорлик 10-20 фоизга ошди. Эътибор беринг-а, 1995 йилда хўжалик пайчиликка ўтишдан олдин 17,4 миллион сўм соф фойда олган эди. 1996 йилда эса пайчилик шарофати билан ушбу кўрсаткич 22 миллион сўмга етди. Соф фойданинг 4,8 миллион сўми дивиденд шаклида мулкдорларга тарқатилди. Ўзим гувоҳман, мазкур хўжалик аъзолари раис бизга қачон дивиденд берар экан, дея қўл қовуштириб ўтиришмайди. Улар фақат даромаддан улушини олувчи эмас, балки ўзини ана шу хўжаликнинг эгасиман, деб ҳис этишади. Эҳтимол, ишонмассиз, бу ерда яхши натижаларга эришилгани боис «биз ҳам шу хўжаликка ўтиб ишлаймиз» деб аъзо бўлиш учун навбатда турганларни, эҳ-ҳе, санаб саноғига етолмайсиз.

**— Демак, янги аъзоларни қабул қилиш шакли ҳам мазмун жиҳатдан ўзгарипти-да?**

— Бўлмасам-чи! Илгари хоҳлаган кишини хўжаликка қабул қилавериш мумкин эди. Энди эса, яъни мулкий муносабатлар бозор талабларига мослангач, қўшимча ишчи кучларига талаб бўлсагина, номзодлар навбат билан қабул қилинади. Бўлажак аъзолар белгиланган тартибда кириш бадали ва пайини тўлаши керак. Ўз-ўзидан аёнки, бу ишга кирувчига ҳам, қабул қилувчига ҳам катта масъулият юклайди.

**— Айтинг-чи, қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этиш билан ҳамма иш юришиб кетадими ё...?**

— Қийин кечадими, демоқчисиз-да. Биласизми, ҳозир ҳар бир киши ўз тафаккури чиғиригидан барча жараёнларни ўтказа олмаса, билингки, у ерда ривожланиш бўлмайди. Бирор самарага эришиш, аввало, ҳар қайси соҳанинг вакили ўша тармоқнинг яхши- ёмон томонларини англай билишига боғлиқ. Хўжалик шакли ўзгарса-ю, эскича иқтисодий муносабатлар ва тафаккур сақланиб қолса, тараққиётга эришиш қийин. Айниқса, мулкни бўлиб беришда қариндош-уруғчилик иллатларига йўл қўймаслик керак. Демоқчиманки, мулк шаклини ўзгартириш билан бирга бошқарув тизимини ҳам шунга мослаштириш керак.

Аммо бу билан муаммонинг бир томони ҳал этилади, холос. Пайчилик яхши натижа бериши учун бозор механизми яхши ишлаши лозим. Чунки пай эгалари даромад олганларидагина ҳақиқий мулкдорга айланадилар. Шу боис хўжаликлар катта фойда олиши керак. Бу эса сотиладиган маҳсулотларнинг бозор нархига, уларнинг харажатларига боғлиқ. Шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳаси билан саноат ўртасидаги алоқалар эркин рақобатли бозор асосига кўчирилиши керак. Чунки, бусиз фойда кўриб ишлаш имконини берадиган нархларнинг юзага чиқиши қийин. Гапимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, қаердаки пайчилик жамиятларидаги ишлар ўзини оқлар экан, юқорида айтганимиздек, одамлар меҳнат қилишга ҳам навбатда туришади. Ўшанда улар мулк деганда мол-дунёни эмас, балки ҳар бир кишида мулк мавжудлигини теранроқ англайди. Муҳими, мулкчиликнинг ушбу шакли деҳқонни алдамайди, балки юзини ёруғ, бирини икки қилади. Зеро, деҳқон бойиса, юрт янада обод бўлади. Бу элим, юртим деб юрган барча хайрихоҳ, соф ниятли кишиларнинг хоҳиш ва истагидир.

***Қишлоқ хўжалик ширкати... барпо этиш ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаатининг бутун жамоа манфаати билан уйғунлигини таъминлайдиган энг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.***

## СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Х сессиясида мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан нутқ сўзлади. Барча жойда бўлгани каби Президент нутқи Навоий вилояти қишлоқ хўжалик ходимлари, соҳага алоқадор муассаса, ташкилотлар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, тегишли хулосалар ишлаб чиқилмоқда.

Хўш, қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотлар истиқболи, Президент таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шакл-шамойили, унинг бугунги қиёфаси қандай бўлади? Бу ҳақда Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдураззоқ Рашидов жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаевга ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этади:

— Вилоятимиз қишлоқ ва сув хўжалиги тизимига кирувчи 46 та хўжаликнинг 42 таси жамоа хўжаликлари, 3 таси деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, иккитаси ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида амал қилиб келинган «колхоз» ёки «совхоз»ларни жамоа хўжаликлари тарзида номини ўзгартириш билан соҳада туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Биз туб маънода ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик корхоналари вужудга келтириш зарурлигига рўбарў келмоқдамиз. Бу муаммоларни бирданига, бир йўла юқоридан бериладиган кўрсатма асосида ҳал этиш албатта, қийин. Бироқ хотиржам ўтиришга ҳам ҳаққимиз йўқ. Ўтган йили вилоятимизда пахтадан бошқа деҳқончилик соҳасидаги ҳамма режалар бажарилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, янгича усулларга ўтиб ишлаш соҳада туб ислоҳотлар ривожини тезлаштириш билан бирга тармоқнинг шакл-шамойилига ҳам таъсир этади. Фақат бугина эмас, ишлаб чиқаришга нисбатан муносабатнинг ўзгаришига олиб келади. Биргина мисол: Хатирчи туманидаги «Зарафшон» давлат хўжалиги жамоа хўжалиги деб ўзгартирилгандан сўнг ҳам бир неча йиллар «қолоқлик ботқоғи»дан чиқолмади. 1995 йилнинг охирида хўжаликка тажрибали мутахассис Ҳамидулла Файзиев раҳбар этиб сайланди. Янги раҳбар ишни янгича бошлади. 1996 йилда жамоада ёпиқ пайчилик усули жорий этилди. Ҳиссадорлик жамияти 1996 йилни кўп соҳаларда муваффақият билан якунлади. Ўтган йилда ютуқлар янада мустаҳкамланди. Хўжаликда пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш режалари адо этилди. Пайчилик усулининг жорий этилиши муносабати билан дондан 4 миллион 330 минг, пахтадан 1 миллион 482 минг ва ҳеч қачон хўжалик тарихида фойда келтирмаган сабзавот, полиз экинлари маҳсулотидан 400 минг сўмдан ошиқ даромад олинди. Чорвачилик 1 миллион 147 минг сўм фойда келтирди. Ҳиссадорлик жамияти йил якунига кўра ҳамма харажатлар чегириб қолиб ҳисобланганда 19 миллион 772 минг сўм соф фойдага эга бўлди. Пайчилар ўзлари ишлаган ҳар бир сўм ҳисобига қўшимча равишда 28 тийиндан дивиденд оладиган бўлдилар. Албатта, бу кўрсаткич республикамиз миқёсида катта натижа эмас. Бироқ вилоятимизда худди ана шу усулда ишлаб, барча соҳаларда қолоқликка йўл қўйган Навоий туманидаги «Ўзбекистон» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти натижаларини фақат афсус билан қайд этиш мумкин. Биргина бу эмас. Вилоятимиз бўйича 5 та хўжаликни санациялаш юзасидан иш олиб бориляпти.

Президентимиз таъкидлаб ўтган оилавий пудрат шаклига келадиган бўлсак, у хўжаликнинг имкониятига қараб, звено пудрати, бригада пудрати кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Вилоятимиз бўйича 3 та хўжаликда оилавий пудрат, 1 та хўжаликда звено пудрати, 40 хўжаликда бригада пудрати асосида иш олиб борилаяпти. Пудрат асосида ишлаб, самарадорликка эришаётган вилоятдаги иккита хўжалик иқтисодий натижаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчиси, Навоий туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги. Хўжалик ўтган йилга нисбатан давлатга 619,2 тонна кўп пахта, 649,3 тонна ортиқ дон сотди. Картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт ҳам кўп бўлди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги бир миллион 411 минг сўм фойда келтирди. Хўжалик аъзоларининг ўртача ойлик маошлари бир йилда 1,9 минг сўмга кўпайди. Ёки Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги 1997 йилда звено пудрати шаклида ишлаб, деҳқончилик соҳасидаги ҳамма режаларини оширғи билан уддалади. Ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ёмон кўрсаткичларга эришган 22 хўжалик борлигини эътиборга олиб, 1998 йилда қайси усулда ишлаш афзаллиги тўғрисида фикр билдиришларини сўраб, таклиф киритдик.

Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ичидаги пайчилик усули бўладими, оилавий звено, бригада пудрати, агрофирма, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси шаклида ишлайдими, барибир у қишлоқ хўжалик ширкати бўлиб қолади.

***Саҳифани «Халқ сўзи» мухбирлари Эсирғап БОЛИЕВ ва Фурқат САНАЕВ тайёрлашди.***

